

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МЕЛАНОВА НАЗИРА РАШИДОВНА**

**ХУЖАЙРАЛАРДАН ГЛУТАТИОН МОДДАСИНИНГ ЧИҚИШ  
ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**03.00.02-Биофизика ва радиобиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии  
(PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on biological sciences**

**Меланова Назира Рашидовна**

Хужайралардан глутатион моддасининг чиқиш тизимини тадқиқ қилиш.....3

**Меланова Назира Рашидовна**

Исследование системы выброса глутатиона из клеток .....21

**Melanova Nazira Rashidovna**

Investigation of the system of glutathione release from cells.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МЕЛАНОВА НАЗИРА РАШИДОВНА**

**ХУЖАЙРАЛАРДАН ГЛУТАТИОН МОДДАСИНИНГ ЧИҚИШ  
ТИЗИМИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**03.00.02-Биофизика ва радиобиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/В79 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабилов Равшан Заирович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Арипов Тахир Фатихович**  
биология фанлари доктори, академик

**Урманова Гулбахор Урунбоевна**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация химояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалар кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)).

Диссертация ва автореферат 2018 йил \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Салихов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**М.И.Асраров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.д., профессор

**Ш.У.Турдикулова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доц

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги кунда аутокрин ва паракрин сигнал узатилиши жараёнида бирламчи мессенжер сифатида ҳужайра ички метаболитларининг иштирокини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар сони ортиши кузатилмоқда. Жумладан, бу йўналишда бажарилган тадқиқотлар орасида АТР ва глутамат кислоталарининг ролини тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки, барча тирик ҳужайралар АТР молекуласини энергия манбаи сифатида турли биологик жараёнларда ишлатади. Лекин, оз миқдордаги АТР ҳужайрадан ташқарисига турли физиологик ҳолатларда чиқарилади. Деярли барча турдаги ҳужайралар сатҳида АТРни специфик тарзда боғловчи пуринаргик  $P_2$  рецепторлар мавжуд бўлиб, ҳужайрадан чиққан АТР шу рецепторлар билан боғланади ва натижада сигнал ҳужайра ичкарасига узатилади. Глутамат кислотаси ҳам ҳужайра ички метаболити бўлибгина қолмай, балки ҳужайра ташқарисига чиқарилади ва глутаматэргик ионотроп ва метаботроп рецепторлар орқали ҳужайралараро сигнал узатилишида иштирок этади. Пуринаргик ва глутаматэргик сигнал узатилиши турли хил физиологик ва патофизиологик ҳолатларда буйрак, юрак ва мия тўқималарда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказларида тирик ҳужайра цитоплазмасидаги метаболитлар ва уларнинг бирламчи мессенжер сигнал молекулалар сифатидаги роли тадқиқ қилинмоқда. Булардан бири – глутатион (GSH) – трипептид (гамма-глутамилцистеилглицин) тузилишига эга бўлиб, барча тирик ҳужайраларда учрайдиган эркин тиол ва қуйи молекуляр антиоксидант ҳисобланади. У бир қанча биологик жараёнларда иштирок этиб, ксенобиотикларни қайтарилишини таъминлайди, гидропероксидаза фаоллигини бартараф этади ва цитозол оқсилларидаги сульфидрил группаларнинг қайтарилган ҳолатини сақлаб туришда иштирок этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали усуллари яратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, оқсиллар ҳосил қиладиган нано-поралар, ион каналларини аниқлаш борасида натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» такидланган, бунда ҳужайра ташқи муҳитидаги глутатионининг роли ва лимфоид ҳужайраларидан чиқиш йўллари аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар

стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказларида ҳужайра ички ва ташқи глутатионининг роли бўйича изланишлар олиб борилмоқда (Zhang, Forman, 2017; Franco, Cidlowski, 2014). Охирги йилларда глутатионнинг ҳужайрадаги функцияларини ва унинг ҳужайрадан чиқиш механизмларини ўрганишда сезиларли ютуқларга эришилди. Бу ривожланиш пэтч-кламп, флуоресцент ва ингибитор таҳлил каби янги тадқиқот усуллари ишлаб чиқилиши билан боғлиқ.

МДҲ давлатларида К.П. Василенко, Е.Б. Бурова, В.Г. Антонов, Н.Н. Никольский, А.П. Баврина, В.А. Мочин, С.Л. Малиновская томонидан глутатионнинг имуномодуляторлик хусусияти билан боғлиқ илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бироқ, эришилган ютуқларга қарамасдан, ҳужайралардан глутатион чиқиш механизмлари билан боғлиқ бир қатор саволлар ечимсиз қолмоқда

Республикамизда глутатион моддасининг ҳужайрадан чиқиш механизмлари тадқиқ қилинмаган. Хусусан, осмотик стресс шароитида фаолланувчи анион каналларининг манфий зарядланган глутатион моддасининг транспортидаги роли жаҳон адабиётида ёритилмаган ва шу сабабдан ушбу илмий изланишнинг асосий мавзусини ташкил этадиган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ-Т112 «Ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳужайралари ҳажми бошқарилишининг биофизик механизмлари» (2007-2011) ҳамда ФТҚФ 43-10 «Тимоцитлардан глутатион ажралиш механизмида ион каналлари ва транспортерларнинг ролини ўрганиш» (2010-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳужайралардан глутатион моддасининг нормал ҳамда гипоосмотик стресс шароитида чиқиш жараёнини тавсифлаш ва ушбу жараёнда ион каналлари ва транспортерларнинг иштирокини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

осмотик стресс шароитида тимоцитлардан глутатион чиқишини аниқлаш усулини йўлга қўйиш ва ҳужайра ташқарисидаги глутатионнинг нормал ва гипоосмотик стресс шароитларидаги миқдорини аниқлаш;

хужайра ташқарисидаги глутатион даражасини суспензиядаги хужайралар сони, осмотик градиент, инкубация вақтига, муҳитнинг ионлар таркиби ва муҳит ҳароратига боғлиқлигини аниқлаш;

ион каналлари ва транспортерларнинг глутатион чиқишидаги ролини ингибиторлар таҳлили орқали аниқлаш;

осмотик стресс шароитида тимоцитлардан глутатион чиқишига аденилатциклаза тизимининг таъсирини аниқлаш;

турли хил хужайралардан глутатион чиқиш тавсифини таққослаш;

хужайра ташқарисидаги глутатионнинг хужайранинг физиологик функцияларига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида зотсиз, 6-8 ҳафталик, ёш оқ каламушлардан ажратилган тимоцитлар, одам қизил қон хужайралари ва сичқон меланома тери рак хужайрасининг культураси (КМЛ линияси) олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** нормал шароитда ва гипоосмотик стрессда глутатион чиқиш механизмларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибаларда замонавий биофизик ва биокимиявий усуллардан фойдаланилди. Тимоцитлар ва қизил қон хужайралари стандарт методлар ёрдамида ажратилди. Глутатион чиқиши миқдори 5,5-дителиобис 2-нитробензой кислотасининг глутатион билан реакциясига асосланган колориметрик методи ёрдамида аниқланди. Хужайра ҳажми суспензиянинг ёруғликни ўтказиши бўйича аниқланди. Гемолиз миқдори спектрофотометрда гемоглобиннинг чиқиши бўйича аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тимоцит цитозолидан хужайра ташқи муҳитига нормал изотоник шароитида, ҳамда гипоосмотик стресс таъсирида катта миқдорда глутатионнинг чиқиши кўрсатилган ва ушбу жараён батафсил тавсифланган, осмореактив глутатион чиқарилишининг фаолланиш энергияси аниқланган;

тимоцитлардан глутатион чиқишида ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион каналининг асосий роли, ҳамда SLCO/OATP ва SLC22A/OAT транспортерларнинг сезиларли иштироки исботланган;

тимоцитлардан гипоосмотик стресс шароитида глутатион чиқишига хужайра ичидаги ц-АМФ нинг роли аниқланган;

осмотик стрессга сезгир глутатион транспорти бошқа хужайраларда (эритроцитлар ва меланома) ҳам мавжудлиги ва хужайра ташқарисидаги глутатионнинг хужайра физиологик функцияларига таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

тимоцит хужайраларидан нормал ва гипоосмотик стресс шароитларида катта миқдорда глутатион моддаси чиқиши аниқланган ва унинг умумий тавсифи берилган;

систематик тарзда хужайра ташқариси глутатион даражасининг хужайра суспензияси концентрациясига, осмотик градиент, инкубация вақтига, муҳит ионлар таркиби ва муҳит ҳароратига боғлиқлиги аниқланган;

гипоосмотик стресс шароитида глутатионнинг ҳажмга боғлиқ ион каналлари орқали чиқиши специфик фармакология воситасида аниқланди ва

бунда анион транспортерларининг иккиламчи роли кўрсатилган, аденилатциклаза фаоллашуви глутатион чиқарилишига манфий таъсир этиши намоён қилинган;

осмо-реактив глютион транспорти бошқа турдаги хужайраларда ҳам (эритроцитлар ва меланома) мавжудлиги ва хужайра ташқарисидаги глутатионнинг хужайранинг ҳажм бошқарилиши тизимини модуляциялаши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотларни замонавий биофизик-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Назорат ва тажрибада олинган ўртача қийматлар орасидаги фарқ Стюдент t-тести ёки вариацион таҳлил (ANOVA) бўйича ҳисобланди ва қийматлар фарқининг статистик ишончилиги  $P < 0,05$  даражасида ифодаланди, натижалар таҳлили ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (OriginLab Pro) компьютер дастури ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тимокит цитозолидан хужайра ташқи муҳитига нормал изотоник шароитида, ҳамда гипоосмотик стресс таъсирида глутатионнинг чиқишини тушунишда аҳамиятга эга. Ушбу жараённинг кинетик параметрлари ҳамда унинг ҳароратга боғлиқлиги глутатион чиқишининг бир нечта турдаги механизмлари мавжудлигидан далолат беради. Глутатион чиқишида ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион каналининг асосий роли, ҳамда ABCG/MDR, SLCO/OATP ва SLC22A/OATP транспортерларнинг сезиларли иштироки аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки тадқиқот натижалар асосида глутатион чиқишининг янги ва самарали таъсирга эга ингибиторларининг кашф этилиши мумкин. Тадқиқотимизда асосан қўлланилган тимокитлар тимусдаги иммун статусининг марказий иштирокчисидир. Ҳозирги пайтда хужайра ташқарисидаги глутатионнинг нормал физиологик шароитда ва патология жараёнидаги иммун жавобни шакиллантиришидаги роли ҳали яхши тушунилмаган. Глутатион чиқишининг фармакологик моддалар ёрдамида модуляцияси янги иммуностимулятор ва иммуносупрессорлар яратилиши ва патологик жараёнларда иммунотерапиянинг муҳим асоси бўлади. Демак, олинган натижалар амалий фармакология ва терапияда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, натижалардан олий ўқув юртлари талабалари учун биофизика ва физиология фанларидан дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда ва мазкур предметлардан дарс бериш жараёнида унумли фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хужайралардан глутатион моддасининг чиқиш тизимини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:



тимоцитлардан глутатион чиқишида ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион каналининг асосий роли бўйича олинган маълумотлар хориждаги импакт-фактори юқори илмий журналларда ион каналларнинг хужайравий жараёнларида иштирокини таҳлил қилишда фойдаланилган (*Cellular Physiology and Biochemistry* 2013, V.32, ResearchGate, IF – 4.18; *Pflugers Archiv-European Journal of Physiology* 2016, V.468, ResearchGate, IF – 3.33; *Journal of General Physiology* 2015, V.146, ResearchGate, IF – 1.51). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ион каналлари хужайра физиологиясидаги иштирокини тафсифлаш имконини берган;

тимоцитлардан глутатион чиқишида SLCO/OATP ва SLC22A/OAT транспортерларнинг сезиларли иштироки бўйича олинган маълумотлар хориждаги импакт-фактори юқори илмий журналларда транспортерларнинг хужайравий жараёнларида иштирокини таҳлил учун фойдаланилган (*Current Drug Metabolism* 2015, V.468, ResearchGate, IF – 2.74; *Pflugers Archiv-European Journal of Physiology* 2016, V.468, ResearchGate, IF – 3.33; *Neurotoxicology* 2014, V.41, ResearchGate, IF – 1.93;). Илмий натижаларнинг қўлланилиши транспортерларнинг хужайра физиологиясидаги иштирокини тафсифлаш имконини берган;

хужайралардан глутатион моддасининг чиқиш тизимини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалардан Ф-5-06 рақамли «Баъзи бир биорегуляторларнинг таъсир механизмини ўрганиш» илмий лойиҳасида (2012-2016) хужайралар ва органелларага биорегулятор моддаларнинг таъсирини таҳлил қилишда, ҳамда биорегулятор моддаларнинг организмга таъсир механизмларини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги ФТА-02-11/1122–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши биорегулятор моддаларнинг организмга таъсир механизмларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, шундан 6 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хужайралар ички ва ташқи муҳитида глутатионинг аҳамияти ва унинг биосинтези»** деб номланган биринчи бобида глутатион моддасининг умумий характеристикаси ва унинг биосинтез йўли, хужайра ички ва ташқи муҳитидаги глутатион моддасининг биологик роли ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек хужайрадан хужайра ташқи муҳитига глутатион моддасининг чиқиши ва унинг механизми, бу жараёнда иштирок этувчи ион каналлари ва транспортёрлар тўғрисидаги сунги адабиётларда келтирилган маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Хужайраларни ажратиб олиш, глутатионни миқдори ва таъсир механизмларини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва услублар келтирилган. Хусусан, тажрибаларимизда қуйидаги таркибли эритмалардан фойдаланилди. Нормал Рингер эритмаси таркиби (мМ): 135 NaCl, 5 KCl, 10 HEPES, 2 CaCl<sub>2</sub>, 1 MgCl<sub>2</sub>, 5 глюкоза, pH 7,4 (290±2 мОсм/кг H<sub>2</sub>O). Гипотоник эритмалар (40-290 мОсм/кг H<sub>2</sub>O) нормал Рингер эритмасига турли хил миқдорда таркиби қуйида келтирилган буфер эритмани аралаштириб тайёрланди (мМ): 5 KCl, 10 HEPES, 2 CaCl<sub>2</sub>, 1 MgCl<sub>2</sub>, 5 глюкоза, pH 7,4 (40±2 мОсм/кг H<sub>2</sub>O). Тажрибалар зотсиз (100-150 гр), виварийда оддий парҳезда боқилган, 6-8 ҳафталик оқ каламушларда олиб борилди. Тимоцитлар стандарт метод асосида ажратиб олинди ва яшовчанлигини аниқлашда кўк трипан эритмаси фойдаланилди. Тажрибаларимизда ўлик хужайралар сони 5%дан ошмади. Хужайралар Рингер эритмасида сақлаб, 3-5 соат ичда фойдаланилди. Глутатион чиқиши миқдорий колориметрик методи билан аниқланди. Бунда глутатион (GSH) 5,5-дитиобис 2-нитробензой кислота (5,5-dithiobis 2-nitrobenzoic acid, DTNB) реагенти таъсирида GSSG гача оксидланади ва 5-тио-2-нитробензой кислота (5-thio-2-nitrobenzoic acid, TNB) ҳосил бўлади. Реакциянинг охириги маҳсулоти сариқ рангли TNB бўлиб, у спектрофотометрнинг 425 нмли тўлқин узунлигидаги ёруғликни ютилиши орқали ўлчанди. Глутатионредуктаза ва НАДФН хузурида GSSG узлуксиз равишда рециклизация бўлади. Шунинг учун умумлаштирилган реакцияда глутатион НАДФН ҳисобига DTNBнинг TNBга қайтарилишида катализатор ролини бажаради, ва бу реакциянинг тезлиги глутатион концентрациясига микромоляр диапазонда тўғри пропорционал.

Тажрибада хужайра ҳажмини ёруғлик ўтказувчанлиги бўйича қайд қилиш усули қўлланилган. Тимоцитлар ҳажми ўзгаришини микроколориметр МКМФ-1 ёрдамида қайд қилинди. Ютилиш максимуми 610 нм бўлган ёруғлик фильтри қўлланилди. Микроколориметрда ўлчанган сигнал У5-11


операцион кучайтиргичи ёрдамида кучайтирилди ва GO!Link (Qubit Systems, Канада) аналог-рақам конвертори орқали компьютерга (Pentium IV) узатилиб, Logger Lite (Qubit Systems, Канада) махсус дастури ёрдамида 100 Гц частотасида қайд қилинди.

Одам қони умумий усулда кўнгиллилардан олинди ва 4% ли суспензия тайёрланиб, 540 нм тўлқин узунлигида гемоглобин чиқиши аниқланди. Меланома тери рақ хужайралари культураси (КМЛ, патент № IAP 02729) ЎзФА Биоорганик кимё институти ходими Кузнецова Н.Н. томонидан тақдим этилди. Хужайраларни ўстириш учун RPMI-1640 (HIMEDIA) муҳитидан фойдаландик. Муҳитга 10% бузоқ эмбриони қони зардоби,  $\text{NaHCO}_3$ , антибиотиклар ва глутамин қўшилди. Хужайралар  $37^\circ\text{C}$  да оддий термостатда сақланди ва моноқават 2-3 кундан сўнг ҳосил бўлди.

Диссертациянинг «**Хужайралардан нормал ва гипоосмотик стресс шароитида глутатион чиқишига таъсир этувчи омиллар ва механизмлари**» деб номланган учинчи бобда тимоцитлардан глутатион моддасини чиқиш системасининг умумий характеристикаси, жараённинг эритма ион таркибига боғлиқлиги, анион каналлари блакаторларининг таъсири, мембрана транспортёрларининг ва хужайра ичидаги цАМФ нинг роли, гипоосмотик стресс шароитида тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишига ва қизил қон хужайралари коллоид-осмотик чидамлилигига хужайра ташқарисидаги глутатион моддасининг таъсири тадқиқ қилинди.


*Тимоцитлардан глутатион моддасини чиқиш системасининг умумий характеристикаси.* Биз тадқиқотларимизда тимоцитлардан хужайра ички суюқлигидаги глутатионнинг чиқишини ҳатто нормал изоосмотик шароитида инкубация давомида стимуляция бўлмаганда ҳам қайт этдик. Бунда нормал шароитида 12,5 млн/мл хужайрадан 10 минут давомида, хужайра ташқи муҳитига  $0,29 \pm 0,07$  мкМ ( $n=6$ ) глутатион ажралди, хужайра концентрацияси 100 млн/мл бўлганда эса  $1,11 \pm 0,04$  мкМ ( $n=6$ ) глутатион ажралиб чиқди. Гипоосмотик стресс ( $147 \text{ мОсм/кг H}_2\text{O}$ ) шароитида глутатион чиқиш тезлиги кескин ортганини кузатдик, яъни 12,5 млн/мл хужайрдан 10 минутда  $1,23 \pm 0,09$  мкМ ( $n=6$ ), 100 млн/мл да эса  $6,37 \pm 0,04$  мкМ ( $n=6$ ) глутатион ажралиб чиқди. Глутатионнинг хужайра ички суюқлигидан чиқишининг хужайра сонига боғлиқлиги гипоосмотик стресс шароитида ҳам, нормал шароитдаги каби чизикли кўринишга яқин бўлди, 1А-расмда кўрсатилган. Бу бизнинг тадқиқотларимизда хужайра ички суюқлигидан глутатион чиқиши манбаи айнан тимоцитлар эканлигини исботлайди.

Глутатион чиқиши кинетикаси изотоник ва гипотоник шароитида сезиларли даражада фарқ қилди. Бунда нормал изотоник шароитида глутатион чиқиши вақтга боғлиқ ҳолда аста секин ошишини кўзатилди, гипотоник муҳитга қўшилиши билан глутатион миқдори кескин орти ва вақт ўтиши билан хужайра ташқи муҳитидаги глутатион миқдори янада ошиб, тахминан 20 минут мобайнида стационар даражасига етди (1Б- расм). Бундай икки фаза кинетика глутатионнинг тимоцитлардан чиқарилишининг камида икки хил механизми мавжудлигидан далолат бериши мумкин



**1-расм. Нормал изотоник ва гипоосмотик стресс (147 мОсм/кг Н<sub>2</sub>О) шароитда тимоцит хужайраларидан хужайра сонига (А: инкубация вақти 10 минут) ва вақтга (Б: хужайра сони 100 млн/мл) боғлиқ ҳолда глутатион чиқиши. Тажрибалар 25°С ҳароратда олиб борилди, барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  (n=5).**

Тажриба муҳитининг ҳарорати нормал ҳолатда ҳам, гипоосмотик стресс шароитида ҳам глутатион чиқишига сезиларли таъсир кўрсатди. Тимоцитлардан глутатион чиқиш миқдори иккала шароитда ҳам ҳарорат ортиши билан 15<sup>0</sup>Сдан 37<sup>0</sup>Сгача бўлган диапазонда текис ортди. 42<sup>0</sup>С ҳароратда хужайрадан глутатион чиқиш тезлиги камайди, бу ҳолат температура шоки таъсирида глутатион чиқариш системасининг бузилишини ўзида акс эттиради (2А-расм). 15-37<sup>0</sup>С диапазондаги ҳароратга боғлиқлик Аррениус координаталарида чизиқли бўлиб, жараённинг фаоллашув энергияси изотоник глутатион чиқиш жараёни учун  $11,1 \pm 1,8$  ккал/моль, ва гипоосмотик стресс шароити учун  $5,4 \pm 0,6$  ккал/мольни ташкил этди (2Б-расм). Фаоллашув энергиясидаги бундай катта фарқ бу икки тажриба шароитидаги глутатион чиқиш механизмларнинг турлича эканлигидан далолат беради. Гипоосмотик шароитдаги нисбатан паст фаоллашув энергияси, осмотик босим таъсирида шишган хужайралар мембранасидаги ион каналлари иштироки билан амалга ошувчи глутатион транспортининг диффузион механизми борлигидан далолат беради.




**2-расм.** Нормал изотоник ва гипоосмотик стресс (147 мОсм/кг H<sub>2</sub>O) шароитда тимоцит хужайраларидан хароратига боғлиқ холда (А) оддий кордината (Б) Аррениус кардинатасида глутатион чиқиши. Хужайра сони 100 млн/мл, инкубатция вақти 10 мин. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n=6$ ).

Хужайра ички суюқлигидан глутатион чиқиши муҳитининг осмотик босимига боғлиқлиги сигмоид характерга эга бўлиб, 50% глутатион чиқиши муҳитининг осмотиклиги 125,1±4,3 мОсм/кг H<sub>2</sub>Oга тенглиги кузатилди (3А-расм). Кейинги тажрибаларда гипоосмотик эритма осмотиклиги 147 мОсм/кг H<sub>2</sub>O дан иборат бўлди.

*Тимоцитлардан гипоосмотик стресс шароитида глутатион чиқиши механизмини ўрганиш.* Глутатион молекуласи манфий зарядга эга ва шу сабабли назарий жихатдан анион транспорт системалари орқали хужайра ташқи муҳитига чиқарилиши мумкин. Дарҳақиқат, кенг таъсир спектрига эга бўлган анион транспорти блокаторлари SITS (4-ацетиамидо-4-изотиоцианатостилбен-2,2-дисульфон кислотаси) ва NPPB (5 нитро-2-(3-фенилпропиламино) бензой кислотаси) гипоосмотик стресс шароитида нормал изоосмотик шароитдаги каби глутатион чиқишини сезиларли даражада камайтирди. Бунда гипоосмотик стресс шароитида 200 мкМ концентрацияда SITS ва NPPB хужайри ички муҳитидан глутатион чиқишини назоратга нисбатан 66,0±5,3% ва 18,8±1,7%га камайтирди (3.Б- ва В-расм).

Маълумки, хужайраларда осмотик стресс ҳолатида асосан икки хил анион каналлари фаоллашади, улар: ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион канали ва макси-анион канали. Gd<sup>3+</sup> (50 мкМ) ионлари анион каналлари орасидан фақатгина макси-анион каналлини блоклаб, тимоцитларда глутатион чиқарилишига сезиларли таъсир ўтказмади, бу эса мазкур каналнинг глутатион чиқарилиш жараёнида иштирок этмаслигини кўрсатади. Айни вақтда ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион канали блокаторлари -

флоретин (200 мкМ), 4-(2-бутил-6,7-дихлор-2-циклопентил 1-индан-1-он-5-ил) оксимой кислотаси (DCPIВ) (20 мкМ), тамоксифен (50 мкМ) ва глибенкламид (200 мкМ) тимоцитлардан глутатион чиқишини сезиларли даражада сусайтирди. Хусусан, гипоосмотик стресс шароитида флоретин моддаси глутатион чиқишини 61,9±2,3 %га ва DCPIВда 35,8±2,0 %га, глибенкламид эса 14,2±1,2 %га камайтирди 4 А,4 Б- ва 4 В-расмлар). Бу натижалар ҳажмга боғлиқ ташқи ўтказувчан анион каналининг глутатион транспортида асосий рол ўйнашини кўрсатади.




**3-расм. Глутатион чиқишига осмотик босимнинг (А) ва анион транспорти блокатори SITS (200мкМ) (Б), NPPB (200 мкМ) нинг (В) таъсири. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n=5$ ).**

Глутатионнинг трансмембрана ўтказилишида нафақат ион каналлари, балки анион транспортерлари ҳам иштирок этиши мумкин. Маълумки, ABCС/MRP мембрана оксиди АТФаза бўлиб, АТФ гидролизи ҳисобига ҳужайрадан органик анионларни чиқаради. Лекин тажрибаларимизда мазкур оксид субстратор бўлган ва ҳужайра ташқи томонидан кўшилиши орқали унинг функциясини бостирувчи пробенецид, глутатион чиқарилишини ингибирланиши эмас, балки 6,8±1,3% га стимулланишига олиб келди (5А-расм).

Бундай натижа бир томондан ABCС/MRPнинг глутатион чиқарилишидаги ролига қарши гувоҳлик берса, бошқа томондан бошқа анион транспортерининг мавжудлигини кўрсатади, ва у алмаштирувчи бўлиб, унинг фаоллиги мембрананинг ҳужайра ташқи томонида субстрат мавжудлигида ортади. Дарҳақиқат, пробенецид нафақат ABCС/MRP учун, балки органик анионлар транспортери SLCO/OATP учун ҳам субстрат бўлиб, улар мембранадан қарама-қарши томондан анионлар алмашади. Мазкур

транспортернинг ролини тасдиқлаш учун бошқа SLCO/OATP субстрати – тауроҳолат кислотаси иштирокидаги глутатион чиқишини тадқиқ қилдик. Тажрибаларимизда мазкур модда ҳам глутатион чиқишини  $13,2 \pm 2,1$  %га транс-стимуляциясини юзага келтирди (5Б-расм).




**4-расм. Тимоцит хужайраларидан глутатион чиқишига ҳажмга боғлиқ анион каналлари блокатори глибенкламид (200 мкМ) (А), DCPIB (20 мкМ) (Б) ва флоретин (200 мкМ) (В) нинг таъсири. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n=5$ ).**

SLC22A/OAT мембрана оксиди анионлар учун натрийга боғлиқ транспортерлар гуруҳига мансуб бўлиб, аминокислотадан ингибирланади. Тажрибаларимизда мазкур модда глутатион чиқишини  $17,5 \pm 3,8$  %га камайтирди (5В- расм). Шундай қилиб, олинган натижалар тимоцитлардан глутатион чиқарилиши гипоосмотик стресс шароитида бир неча транспорт йўлларида амалга оширилишини кўрсатади. Мазкур жараёнда асосий ролни ташқи ўтказувчан ҳажмий боғлиқ анион каналлари бажариб, глутатион чиқарилишининг 60%и айнан шу каналлар орқали содир бўлади. Қолган қисми эса хужайралардан SLCO/OATP ва SLC22A/OAT каби транспортерлар орқали амалга оширилиши мумкин. Кўринишича, бизнинг тажриба шароитларимизда ABCС/MRP АТФазаси глутатион чиқарилишида иштирок этмайди.

Маълумки, аденилатциклаза тизими муҳим хужайра ички жараёнларини башқаради. Биз тадқиқотларимизда хужайра ичидаги цАМФ концентрациясини уч хил усулда кўпайтирдик: 1) цАМФнинг мембранадан ўтувчи ҳосиласи-дибутирил-цАМФ (0,1-1 мкМ) 2) аденилатциклаза активатори бўлган форсколин (10 мкМ) 3) фосфодиэстераза ингибитори теофиллин (3 мМ). Барча ҳолатларда биз глутатион чиқишини сезиларли даражада пасайишини кузатдик, яъни теофиллин 10% га дибутирил-цАМФ (0,1 мкМ) эса 32% гача камайтирди. Бу натижалар гипоосмотик стресс

шароитида глутатион ажралиш механизмида аденилатциклаза системалари билан (яъни цАМФга боғлиқ гармонал системаларга ) чамбарчас боғлиқлигини билдиради.



**5-расм. Тимоцит хужайраларидан глутатион чиқишига АВСС/MRP мембрана транспортери субстрати пробеницид (500 мкМ) (А), органик анион ташувчи полипептид SLCO/OATP субстрати таурохолат кислотаси (2 мМ) (Б), SLC22A/OAT мембрана оқили ингибитори аминогиппур кислотасининг 1 мМ) (В) таъсири. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n=5$ ).**

*Турли хил ҳужайралардан глутатион чиқиш характеристикасини таққослаш.* Юқоридаги олинган натижалар тимоцит хужайраларидан нормал шароитида ҳам, гипотоник стресс шароитида ҳам массив равишда глутатионнинг хужайрадан ташқарисига чиқарилишидан далолат беради.


Таббий савол туғиладики, бошқа турдаги хужайралардан ҳам глутатион ташқарига чиқадими? Бу саволга жавоб бериш учун тадқиқотларимизда биз одам қизил қон хужайраларидан глутатион моддасининг чиқишини 20 минут давомида хужайра сонига боғлиқлиги аниқландик. Нормал шароитда хужайралар сони 100 млн/мл бўлганда хужайралардан  $0,57 \pm 0,14$  мкМ ( $n=5$ ) глутатион ажралган бўлса, гипоосмотик стресс шароитида  $1,33 \pm 0,11$  мкМ ( $n=5$ ) ажралди (6-расм). Хужайра сони 100 млн/мл дан 1 млрд/мл гача ўзгартирилганда хужайра ички глутатион концентрацияси чизикли тарзда ошиб борди.

Натижаларимиз таҳлилидан битта қизил қон хужайрадан глутатион чиқиш тезлиги нормал шароитда  $0,09 \times 10^{-15}$  г/мин, гипоосмотик стресс шароитида эса  $0,2 \times 10^{-15}$  г/минга тенглиги аниқланди. Олинган натижани тимоцит хужайраларида кузатилган глутатион чиқиш тезлиги билан таққослаш учун биз юқорида 1А-расмда қайд этилган натижаларни қайта таҳлил қилиб, битта хужайрага тўғри келувчи глутатион чиқиш тезлигини аниқладик. Олинган натижалар таҳлили битта хужайрадан нормал шароитда




хужайра ташқи муҳитига  $0,34 \times 10^{-15}$  г/мин миқдорида глутатион чиқишини, гипоосмотик стресс шароитида эса  $1,96 \times 10^{-15}$  г/мин миқдорида глутатион чиқишини кўрсатди. Демак, одам қизил қон хужайраларидан глутатионнинг чиқиш тезлиги тимоцит хужайраларига нисбатан нормал шароитда 4 баробар ва гипоосмотик стресс шароитида 10 баробар паст. Албатта, қизил қон хужайраларининг умумий миқдори қонда анча кўп бўлишлиги туфайли кузатилган паст тезликдаги глутатион чиқиши ҳам физиологик миқдорларни бемалол таъминлаб бериши мумкин. Тимоцитлардан глутатионнинг катта тезлик билан чиқиши, ушбу молекуланинг тимусдаги интерстициал муҳитда кечувчи физиологик жараёнлардаги муҳим ролдан далолат беради.

Тажрибаларимизнинг кейинги босқичида биз меланома тери рак хужайрасининг культурасидан (КМЛ линияси) глутатион чиқишини кузатдик. Бунда хужайра культураси  $37^{\circ}\text{C}$  ҳароратда махсус идишлар (кареллар)да конфлуэнт ҳолатгача (яъни моноқават ҳосил бўлгун қадар) ўстирилди. Бу тажрибаларда, 40 минутлик инкубациядан сўнг, глутатионнинг муҳитдаги концентрацияси нормал шароитда  $0,66 \pm 0,06$  мкМни, ва гипоосмотик стресс шароитида  $1,26 \pm 0,012$  мкМ ни ташкил этди. Олинган натижа меланома рак хужайраларида ҳам глутатион чиқиш механизми мавжудлигидан ва хужайра ташқисидаги глутатион канцерогенез жараёнларида маълум рол ўйнаши мумкинлигидан далолат беради (7-расм)



**6-расм. Одам қизил қон хужайраларидан нормал (290 мОсм/кг  $\text{H}_2\text{O}$ ) ва гипоосмотик стресс (147 мОсм/кг  $\text{H}_2\text{O}$ ) шароитида глутатион чиқиши. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n = 5$ ).**



**7-расм.** Сичқон меланома тери рак хужайрасининг культурасидан нормал (290 мОсм/кг Н<sub>2</sub>О) ва гипоосмотик стресс (147 мОсм/кг Н<sub>2</sub>О) шароитида глутатион чиқиши. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан  $P < 0,05$  ( $n = 5$ ).

*Хужайранинг физиологик функцияларига хужайра ташқарисида глутатионнинг таъсири.* Хужайрадан чиққан глутатион ўз хужайраси ва атрофдаги бошқа хужайра ва тўқималарга аутокрин ва паракрин таъсир кўрсатиши мумкин, лекин ушбу жараён тимоцит ва эритроцит хужайраларида деярли ўрганилмаган. Шу мақсадда биз тадқиқотларимизда гипоосмотик стресс шароитида тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишига ва одам қизил қон хужайралари коллоид-осмотик чидамлилигига хужайра ташқарисидаги глутатионнинг таъсири ўргандик.

Биз тажрибаларимизда, тимоцитлар гипоосмотик стресс шароитида (назоратда) хужайра ҳажми  $78,1 \pm 5,6\%$ га ( $n=6$ ) қайтди. Глутатионнинг 0,1 мкМ концентрациясидан бошлаб тимоцит хужайралари ҳажмини бошқарилиши системаларига сезиларли таъсири кузатди, Лекин ҳатто энг баланд концентрацияда ҳам хужайра ҳажм бошқарилиши фақат қисмангина блокланди, хужайра ҳажми 10 мкМда  $69,05 \pm 1,3\%$ га ва 100 мкМда  $65,06 \pm 1,4\%$ гача қайтди. ярим-максимал эффект 1,3 $\pm$ 0,1 мкМда кўзатилди, Хилл коэффициенти 0,64 $\pm$ 0,31 га тенг.

Биз тажрибаларимизда глутатионнинг 01 мкМдан 1 мкМгача концентрацияда қизил қон хужайраларни нистатин (500 мкМ) ёрдамида чақирилган коллоид-осмотик лизисига таъсири сезиларли даражада йўқлиги аниқладик.

Якуний қисм: глутатион хужайра цитоплазмасидаги асосий антиоксидант булиб, шунингдек хужайра ички муҳити потинциалини сақлашда муҳим ҳисобланади. Оз миқдордаги глутатион хужайралараро муҳитда ҳам учраши мумкин, глутатион концентрацияси хужайра турига ва физиологик ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Тадқиқотларимизда биз

нормал изотоник муҳитда ва гипоосмотик стресс шароитида глутатион чиқишини ўргандик. Биз биринчи марта тимоцитлар осмотик босим таъсирида шишганда юқори миқдорда глутатион ажралишини ўргандик. Жараёнга хужайра суспензиясининг концентрацияси ва вақтнинг боғлиқлиги аниқладик. Ҳарорат ўзгаришига боғлиқлигини ўрганишда хужайралар шиши билан экстракция механизмининг ўзгариши, жараённинг нисбатан паст фаоллашув энергияси ион каналлари иштироқи борлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, глутатион чиқарилишининг фармакологиясини тадқиқ қилиш натижасида, осмотик босим таъсирида шишган хужайраларда ион каналларнинг иштироқини тасдиқлади. Макси-анион каналининг блокатори гадолинийум глутатион чиқишига сезиларли таъсир кўрсатмади ва бу натижа глутатион транспортида макси-анион канали иштирок этмаслигини кўрсатади. Ҳажмга боғлиқ анион каналлари глутатион чиқишининг ягона йули эмас. Олинган натижалар хужайрадан чиқаётган глутатионнинг 60% и шу каналлар орқали ташилишини тасдиқлади, глутатионнинг қолган қисмлари SLC22A/OAT ва SLCO/OATP, ABCB/MRP транспортер чиқиши мумкин. Глутатион чиқиш тизими аденилатциклаза тизимини орқали фаоллашиши, хужайра хажм бошқарилишига таъсири, хужайра ташқи глутатионнинг эффектив иммуномодулятор сифатида фаолият кўрсатишини, бу апоптоз ва пролифератция жараёнида энг керакли компонентлигини исботлайди. Олинган натижалар глутатион ҳам, АТФ ва глутамат кислотаси билан бир қаторда хужайра ташқи сигнал молекуласи сифатида фаоллик кўрсатишини кўрсатади. Глутатионнинг плазматик мембранадаги специфик рецепторлари ҳали аниқланмаган. Глутатион хужайраларидаги глутамат рецепторлари билан боғланиши ва уларнинг фаолиятини тартибга солиши маълум. G-оқсиллар туркумига мансуб орфант (яъни ҳали агонисти номаълум) рецепторларининг баъзилари глутатион рецепторлари сифатида фаоллик кўрсатиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тимоцит хужайраларидан гипосмотик стресс шароитида глутатионнинг катта миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди ва батафсил тавсифланди. Нормал шароитда якка тимоцит хужайрасидан ташқи муҳитига  $0,34 \times 10^{-15}$  г/мин, гипоосмотик стресс шароитида эса  $1,96 \times 10^{-15}$  г/мин глутатион чиқиши кўрсатилди. Ярим-максимал глутатион чиқиши муҳитининг осмотик босими  $125,1 \pm 4,3$  мОсм/кг  $H_2O$ га тенг бўлганда кузатилди.

2. Хужайралардан глутатион чиқишининг 15-37°C диапазонда фаоллашув энергияси нормотоник шароитда  $11,1 \pm 1,8$  ккал/моль, ва гипоосмотик стресс шароитида  $5,4 \pm 0,6$  ккал/моль ни ташкил этди. Икки хил фаоллашув энергияси ва икки фазали кинетика глутатион чиқишининг камида икки хил механизмдан далолат берди.

3. Гипоосмотик шароитда глутатионнинг асосий қисми хажмга боғлиқ анион каналлари орқали хужайрадан чиқади, қолган қисми эса SLCO/OATP

ва SLC22A/OAT мембрана транспортерлари иштирокида ташилади. ABCС/MRP транспортери ва макси-анион канали бу жараёнда иштирок этмайди.

4. Аденилатциклаза тизимининг фаоллашуви тимоцитлардан гипоосмотик стресс шароитида глутатион чиқишини пасайтиради.

5. Одам эритроцитлари ва сичқон меланома тери рақ хужайраларида ҳам тимоцитлар каби глутатион чиқиш механизми мавжуд. Эритроцитлардан глутатион чиқиши нормотоник шароитда тимоцитларга нисбатан 4 баробар, ва гипоосмотик шароитда 10 баробар пастлиги аниқланди.

6. Хужайра ташқарисидаги глутатион микромоляр миқдорда тимоцитларнинг ҳажм бошқарилишини сезиларли даражада пасайтириши аниқланди, лекин эритроцитларнинг коллоид-осмотик лизисига таъсир этмади.

7. Глутатионнинг янги хужайралар аро сигнал молекуласи функцияси гипотезаси таклиф қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,  
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

---

**ИНСТИТУТ БИОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**МЕЛАНОВА НАЗИРА РАШИДОВНА**

**ИССЛЕДОВАНИЕ СИСТЕМЫ ВЫБРОСА ГЛУТАТИОНА ИЗ  
КЛЕТОК**

**03.00.02-Биофизика и радиобиология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B79**

Диссертации выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Сабилов Равшан Заирович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:** **Арипов Тахир Фатихович**  
доктор биологических наук, академик

**Урманова Гулбахор Урунбоевна**  
кандидат биологических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальный университет Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871)262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Институте биоорганической химии (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года  
(реестр протокола рассылки № «\_\_» от \_\_\_\_\_ 2018).

**Ш.И.Салихов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**М.И.Асраров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**Ш.У.Турдикулова**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., доц

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последнее время в мире увеличивается количество исследований, в которых показано, что метаболиты клетки могут участвовать в аутокринной и паракринной межклеточной сигнализации в качестве первичных мессенджеров. Особая роль при этом была установлена для АТФ и глутаминовой кислоты. Известно, что все живые клетки используют АТФ в качестве источника энергии в различных биологических процессах. В ответ на физиологические стимулы, такие как нервная стимуляция, механический, осмотический и ишемический стресс, небольшие количества АТФ выбрасываются во внеклеточную среду. На поверхности практически всех типов клеток имеются пуриnergические  $P_2$  рецепторы, которые специфически связывают вышедший из клеток АТФ и передают сигнал внутрь клетки. Глутаминовая кислота также является не только внутриклеточным метаболитом, но и может выбрасываться во внеклеточную среду принимая участие в процессах передачи сигнала между клетками через глутаматергические ионотропные и метаботропные рецепторы. Пуриnergическая и глутаматергическая сигнализация играют важную роль в различных физиологических и патофизиологических процессах, протекающих в почках, в сердце и в клетках мозга.

В настоящее время в мировых исследовательских центрах изучаются метаболиты в цитоплазме живой клетки и первичные мессенджеры. Один из них – это молекула глутатиона. Глутатион (GSH) – это трипептидный низкомолекулярный антиоксидант (гамма-глутамилцистеилглицин), который является основным свободным тиолом, присутствующим в цитоплазме всех живых клеток. Он участвует во многих биологических процессах: обеспечивает восстановление ксенобиотиков, инактивирует гидропероксидазу и участвует в поддержании восстановленного состояния сульфгидрильных групп цитозольных белков.

В настоящее время в нашей стране создание эффективных методов внедрения научных и инновационных достижений в практику. На основе программных мер, осуществлённых в данных направлениях, были разработаны методы определения размеров нанопор и ионных каналов. В Стратегии действия и развития Узбекистана подчеркивается стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику. Поэтому изучение функции внеклеточного глутатиона и пути его выхода из лимфоидных клеток имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2011г № ПП-1652 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г № УП-4947

«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** В настоящее время во многих исследовательских и научных центрах мира ведутся исследования по изучению роли глутатиона внутри клеток и во внеклеточной среде (Zhang, Forman 2017; Franco, Cidlowski 2014). В последние годы достигнуты заметные успехи в изучении функции глутатиона на клеточном уровне, что обусловлено разработкой новых современных методов анализа, таких как пэтч-кламп, флуоресцентный и ингибиторный анализ.

В странах СНГ К.П. Василенко, Е.Б. Бурова, В.Г. Антонов, Н.Н. Никольский, А.П. Баврина, В.А. Мочин, С.Л. Малиновская проводят исследования иммуномодулирующих свойств глутатиона. Но, несмотря на достигнутые успехи, ряд вопросов, связанных с механизмами выхода глутатиона из клеток, остаются нерешенными.

Механизмы выхода глутатиона из клеток в нашей Республике не исследовались. В частности, роль анионных каналов, активирующихся при осмотическом стрессе, в транспорте отрицательно заряженного глутатиона в мировой литературе не освещалась, и по этой причине осуществление исследований, составляющих основную тему настоящей работы является актуальным и имеет научно-практическую значимость.

